

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**



**“ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА
ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ”**

мавзусидаги
Республика илмий – амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАР ТҮПЛАМИ



Тошкент-2018

УДК: 338 (575.1)

“Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришнинг методологик асослари”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами (2018 йил 14 ноябрь). - Т.: ТДИУ, 2018. - 383 б.

Ушбу тўпламда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришнинг назарий жиҳатлари, фантехника тараққиёти янгиликлари ва инновацион технологияларни кўллаш асосида ишлаб чиқариш харажатлари таркибини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўналишлари, хизмат қўрсатиш жараёнида харажатларни камайтириш йўллари борасидаги илмий тадқиқот ишларини такомиллаштириш масалалари ва илмий қарашлари акс эттирилган материалларнинг баёни келтирилган.

Ушбу анжуман Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан амалга оширилаётган ОТ-Ф1-155. “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида харажатлар миқдорини камайтириш, таркибини такомиллаштиришнинг фундаментал (назарий) асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал лойиха доирасида ўтказилди.

Тўпламга олий ўқув юртларида иқтисодий муаммолар бўйича илмий изланишлар олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, докторантлар, тадқиқотчилар, вазирлик, қўмита ва турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг етакчи мутахассислари, магистрлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий изланишлари натижалари киритилган.

Тўпламда келтирилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва келтирилган ҳуқуқий-меъёрий хужжатларнинг ҳаққонийлиги, танқидий фикр-мулоҳазалар ва таклифларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Маъсул муҳаррир:

Таҳрир ҳайъати: и.ф.д., проф. Б.Ю. Ходиев, и.ф.н. Ф.Э. Захидов, и.ф.д., проф. Г.Н. Ахунова, и.ф.д., доц. Ш.И. Мустафокулов, и.ф.д., доц. О.Ҳ. Хамидов, и.ф.д., доц. Б.Ю. Махсадов, Ж.Т. Йўлдошев, и.ф.н., доц. А.У. Кобилов, и.ф.д., доц. Б.Д. Хажиев, и.ф.д., проф. Ш. Шодмонов и.ф.д., проф. А.Ф. Расулов, и.ф.д., проф. Р.Р. Хасанов, и.ф.д., проф. Ш.Х. Ташматов, и.ф.н., доц. Р.А. Юсупов и.ф.н., доц. Б.Э.Мамарахимов, кат.ўқ. Қ.Б. Шарипов

Тақризчилар:

и.ф.д., проф. А.В. Вахобов,
и.ф.д., проф. Н.М. Махмудов.

Шу сабаб, юқорида кўриб чиқилган, ички харажатларни тўғри ҳисобга олиш, муомала харажатлари ҳисобини юритиш бўйича қўлланма ёки кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва тадбиркорлар орасида бу масалани тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

**Мамадияров З.Т.
ТДИУ катта ўқитувчиси**

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОРҚАЛИ МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Замонавий банк маҳсулотлари ва хизматларини, замонавий ахборот-коммуникация технологияларни банк тизимига жорий қилиш ҳамда ривожлантириш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки бу банкларнинг рақобатбардошлигини, банк маҳсулотларининг сифатини оширади, ўз навбатида миллий иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашини таъминлайди.

Жумладан, мижоз ўз ҳисобварафи бўйича банк амалларини банкка бормасдан, Интернет орқали хоҳлаган жойидан, хоҳлаган вақтда бажариш имкониятига эга бўлиб, ҳисобварафининг ҳолати, маблағнинг келиб тушиши, тўловларнинг акс эттирилиши каби амаллар ҳақида маълумотларни олиши мумкин. Бу эса мижозни ўз вақти ва маблағини тежашга, манзилнинг узок-яқинлигига қарамасдан банкни ихтиёрий равишда танлаши ва ўз маблағларини тезкор бошқариш афзалликларини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини оширишни янада кенгайтириш вазифасининг қўйилганлиги¹ ушбу масалани ҳамон долзарб эканлигини кўрсатади. Унга кўра, нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш, шу жумладан, иқтисодиёт соҳаларида тўловларнинг замонавий электрон шаклларини жорий этиш ва тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, шунингдек, банкдан ташқари айланишини қисқартириш мақсадида комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуидагилардан иборатdir:

- аҳолига муайян вақт давомида белгиланган лимит доирасида банк маблағлари ҳисобидан товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи кредит карталарини муомалага киритиш;

- банк пластик карталари орқали ҳисоб рақамларга масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан («СМС-банкинг», «Интернет-банкинг», «Мобил-банкинг») фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- банк пластик карталари орқали жисмоний шахсларнинг депозит ҳисоб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

рақамларини бошқариш имкониятини кенгайтириш ва пластик картадаги маблағларни бошқа картага ўтказиш бўйича қўрсатиладиган хизматлар учун тарифларни камайтириш;

- тўлов терминалларидан фойдаланганлик учун ижара тўлови микдорини икки мартаға қисқартириш;

- валюта ва солиқ назоратини соддалаштиришни ўз ичига олган электрон тижоратни ривожлантиришни рафбатлантириш, пластик карталар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тизимида олинмаган товар ва фойдаланилмаган хизмат учун тўловни қайтаришни тартиб-таомиллари ва технологияларини жорий этиш, ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида республикамиз тижорат банклари томонидан жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

1-жадвал

Банк тизимида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони¹

Сана	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар	Жисмоний шахслар	Жами
01.01.2017 й.	135 629	1 906 482	2 042 111
01.02.2017 й.	157 397	2 690 214	2 847 611
01.03.2017 й.	164 645	2 845 237	3 009 882
01.04.2017 й.	169 288	2 999 899	3 169 187
01.05.2017 й.	177 119	3 159 940	3 337 059
01.06.2017 й.	185 877	3 306 267	3 492 144
01.07.2017 й.	196 434	3 438 089	3 634 523
01.08.2017 й.	201 041	3 520 619	3 721 660
01.09.2017 й.	208 330	3 672 344	3 880 674
01.10.2017 й.	217 123	3 733 370	3 950 493
01.11.2017 й.	229 674	3 898 567	4 128 241
01.12.2017 й.	219 454	4 050 174	4 269 628

Юқоридаги жадвалдан шуни қўришимиз мумкинки, 2017 йил 1 январь ҳолатига масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони 135629 тани ташкил этган бўлса, 2018 йил 1 январга келиб 227879 тага етган, яъни 92250 тага ортганини қўришимиз мумкин. Лекин бу хизматдан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сонига нисбатан кескин кўплигини яъни 2017 йил 1 январь ҳолатига 1906482 тани ташкил этганини, 2018 йил 1-январга келиб 4225361 тага, яъни 1 йилда 2318879 тага ортганлигини қўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда келгусида банкларнинг масофавий хизматларини янада ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни амала ошириш мақсадга мувофик:

1) хорижий валюта олди-сотди операцияларини масофадан туриб ўтказиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетени 2018 йил 1 ярим йиллик

механизмини жорий этиш (банкларнинг мобил иловалари орқали миллий ва хорижий валютадаги тўлов карталари ўртасидаги конверсия);

2) мамлакат ичида конверсион тўлов карталаридан нақд хорижий валюта ечиб олишга рухсат бериш ва тегишли банкоматлар тармоғини кўпайтириш.

3) замонавий банк хизматларини кўрсатишга шароитлар яратиш учун инновацион банк технологияларини жорий этиш фаоллаштириш;

4) аҳолининг банк карталарибалин электорн тарзда савдо қилиш маданиятини ошириш;

5) банкоматлардан нақд пул олиш тизимини соддалаштириш мақсадида, ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда кўчма банкоматлар фаолиятини жорий қилиш келгусида ўз самарасини беради деб ўйлаймиз.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича олиб борилаётган ишлар барча банклар томонидан тизимли амалга оширилиши, электрон тўловлар ва электрон тижорат бўйича ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш банк мижозларига сифатли банк хизматларини кўрсатишни таъминлаш билан бирга, Ўзбекистон банк тизимининг муқаррар юксалишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши шубҳасиз.

**Zikriyoev A.S.
Assistant teacher of TSUE**

OPTIMAL THEORETICAL APPROACHES OF REDUCING PRODUCTION COSTS IN THE PROCESS OF TRANSFORMATION.

The production of any product requires the expenditure of economic resources, which, due to their relative rarity, have certain prices. The quantity of any product that the firm seeks to offer in the market depends on the prices (costs) to reduce expenditures and the efficiency of using the resources necessary for its production, on the one hand, and on the price at which the goods will be sold in the market, on the other.

According to theories for developing cost plans are as follows:

- established by the tactical plan, the size of the profit, as well as the level of profitability of production or tasks to reduce production costs;
- indicators of production and sales of products;
- the effectiveness of measures in the section of the tactical innovation plan;
- progressive norms and standards of the relevant section of the tactical plan;
- rooms too much and not to lose energy, knowing the fact that additional energy means additional production cost¹.

¹ <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2212567114007850>, Aurel Mihail Titua,*; Arpad Simonffy, Contributions Regarding the Reduction of Production Costs for Brewing by Recovering and Reusing the Carbon Dioxide, 21st International Economic Conference 2014, IECS 2014, 16-17 May 2014, Sibiu, Romania

		таъсири	
	Карриева Я.К., Карриева Б.К., Ибрагимов Ф.А.	Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда логистик кластерлардан фойдаланиш	194
	Мамбетжанов К.К.	Ўзбекистонда кўшилган қиймат ва унинг таркибий қисмларини ҳисоблашнинг ҳозирги ҳолати	197
	Хужамкулов Д.Ю., Маматов Б.С.	Пути снижения производственных затрат в условиях модернизации экономики	201
	Абдувахидов Ф.Т., Абдурахмонов Р.А.	Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг дастлабки ҳисоби	203
	Яхшиева М.Т.	Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштириш стратегиясининг назарий асослари	206
	Тошпўлатов А.Ш, Уринбаев С.Н.	Импорт операцияларига доир харажатларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари	208
	Қўчқоров F.Ф.	Махсулот меҳнат сифими миқдорига таъсир этувчи омиллар	211
	Ходжаева Н.А.	Современное состояние кадрового потенциала АО «Узбекистон темир йуллари» Республики Узбекистан	213
	Юсупов Б.А.	Ўзбекистонда кичик бизнеснинг меҳнат ресурслари салоҳиятидан фойдаланишда яратилган ташкилий-иқтисодий шартшароитлар	216
	Махмудов А.А.	Олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқариш механизмининг ўзига хос хусусиятлари	218
	Мамарахимов Б.Э., Бурхонова Ш.Б.	Рақобат - тежамкорликка таъсир этиш усули сифатида	222
	Мухитдинов Э., Йўлдошев Т.	Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари.	224
	Рахманов З.У.	Тижорат банкларининг Ўзбекистон фонд бозоридаги инвестицион фаолиятини ривожлантириш	227
	Мирзаева Л., Жўраев И.	Иқтисодиётни модернизациялашда фонд бозорини ривожлантириш масалалари	229
	Давлатов Э.Б., Рахмонов Б	Монетар сиёsat – ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг омили сифатида	231
	Халилов М.Ш.	Тадбиркорлик фаолиятида харажатларнинг аҳамияти	234
	Мамадияров З.Т.	Замонавий ахборот-коммуникация технологиялар орқали масофавий банк	236